



# XASR



ЎЗБЕКИСТОН  
ЎЗБОСОН  
GAZETA

Газета 2004 йил  
1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Ҳоким ўринбосарининг ҳисоботи эшитилади

02 Ислохот



Етакчилар имтиҳонга тайёрми?

05 Куйи бўғинларда



Лоқайдлик кечирилмайди

07 Халқаро ҳаёт

2014 йил 13 февраль, пайшанба, 06 (534)-сон

e-mail: xxi\_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳарбий хизмат — эзгу орзу

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий хизматга қақирилувчиларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кузатиш маросими бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги қақирuvi ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилган тadbирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

2 >>>

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

Улуғ аждодларга эҳтиром

Самарқанд санъат коллежида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди саналари муносабати билан «Назм ва наво» кечаси ўтказилди. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, республика Маънавият тағрибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда талабалар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Ориф Ҳожиёв, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети доценти Усмон Қобилов, шоир Ёрмухаммад Рустамов ва бошқалар улуғ мутафаккир боболаримизнинг ҳаёти ва ижоди, адабий меросини ўрганиш ёшлар камолотида муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

2 >>>

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Замонавий технология — муваффақиятлар омили

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонаси 25 турдаги харидориги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Корхонада 2013 йилда 12 миллиард 573 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, унинг 72 фоизи хоризга экспорт қилинди. Президентимиз раҳнамолигида саноат корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудий корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар самарасида ишлаб чиқариш, айнаикса, экспорт ҳажми ортиб бормоқда.

2 >>>

## Омбудсманнинг йиллик ҳисоботи маъқулланди



О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда долзарб аҳамиятта эга бўлган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Маълумки, Омбудсман институти фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолият кўрсатиб, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Йиғилишда эътироф

этилганидек, ҳисобот йилда такрорий мурожаатларнинг сони сезиларли даражада камайгани амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, қонун устуворлиги тамойилига қатъий амал қилинаётгани самарасидир.

2 >>>

ҚОНУНЧИЛИК

## О'zLiDeP фракцияси ташаббуслари

2013 йили Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган қирқдан ортиқ қонун қабул қилинди. О'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фикрича, ана шу даврда 21 та янги қонун кучга кирди. 20 дан ортиқ қонун эса такомиллаштирилиб, уларга бутунги кун талаблари асосида муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Депутатлар ташаббуси билан 7 та қонун қабул қилинган бўлса, уларнинг 6 таси бевосита О'zLiDeP аъзолари иштирокида амалга оширилди

Депутатлар ана шундай қонунлар каторида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун алоҳида ўрин тутганини таъкидламоқдалар. Ушбу муҳим ҳужжатнинг кучга кириши парламент куйи палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичлари, яъни уни қабул қилишдан тортиб, то уч ўкунда муҳокама қилингуна сиёсий партиялар фракцияларининг фикр ва мулоҳазалари инобатга олинганини асосий ўринга чиқарди.

3 >>>



«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

Камчиликлар қатъият билан бартараф этилади

Сирдарёда «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар асосида аёлларнинг кенг қўламли ислохотлар жараёнидаги иштирокини янада кенгайтириш, иқтисод ва кизикликлари билан келиб чиққан ҳолда уларни тadbиркорлик

фаолиятига йўналтириш масалалари муҳокама этилди. Айни пайтда сирдарёлик 2736 нафар ташаббускор опа-сингилнинг ўз атрофида бирлаштирган «Аёллар қаноти» жамиятини демократлаштириш ва либераллаштириш, хусусий секторни янада ривожлантиришга қаратилган ғоя ва мақсадларни омма ўртасида кенг тарғиб этмоқда.

2 >>>

4 >>>

МУНОСАБАТ

Пойтахт масъулият борасида ўрнатилган бўлиши керак

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриши — ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир» деб номланган ва сиёсий партиялар фаолиятида ниҳоятда муҳим роль ўйнаган дастурий маърузасида белгилаб берилган вазифалардан О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари ҳам тегишли хулосалар чиқардилар.

2 >>>

**ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

2014 йилнинг 14 февралда ўтказиладиган очик мулоқотда саволларингизга Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Жаҳонгир Мустафоев жавоб қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 11 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни куриши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмаги нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)	1 Австралия доллари 1979,10	1 Миср фунти 31833	1 Польша злотийси 722,64	10 Жанубий Корея воени 20,68
	1 Англия фунт стерлинги 3636,66	1 Исландия кронаси 19,31	1 СДР 3398,75	10 Япония йенаси 216,45
	1 Дания кронаси 404,70	1 Канада доллари 2009,60	1 Туркия лираси 999,09	1 Россия рубли 64,04
	1 БАА дирҳами 603,32	1 Хитой юани 365,65	1 Швейцария франки 2465,77	1 Украина гривнаси 254,48
*) Валюта қийматини белгилаш чегарида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини эмасмас.	1 АҚШ доллари 2215,99	1 Малайзия ринггити 665,06	1 ЕВРО 3012,05	

# Ислоҳот

Ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олишини ЭЪЛОН ҚИЛГАН ПАРТИЯ АЪЗОСИ СИФАТИДА БУГУНГИ ФАОЛИЯТИМИЗ ДАВР ЎРТАГА ҚўЙЎТГАН ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА ЭМАСЛИГИНИ ТАН ОЛИШИМИЗ КЕРАК.

## Пойтахт масъулият борасида ўрнатилган бўлиши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Айниқса, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий таракқиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партиялар ролини, ижро органлари фаолияти устидан эса назоратни кучайтириш тўғрисидаги адолатли хулосаларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳида бир неча марта муҳокама қилиб, 2014 йилга мўлжалланган иш режамизда Президент фармон ва қарорлари, амалдаги қонунлар ижросини қатъий назоратга олиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз билан биргаликда электротар манфаатига доир қонун лойиҳалари учун тақлифлар тайёрлаш, ҳудудий давлат ижросини назорат қилишни асосий вазифалар каторига киритдик.

Тан олиш керакки, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнида айнан О'зЛиДеР электротар фаолиятига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган бир пайтда партиявий ишларимизни талаб даражасида, деб бўлмайди. Президентимизнинг йил якуналарига бағишланган мажлисдаги маърузасида ҳам халқануз тadbиркорлар фаолиятига асосий аралашувлар мавжудлиги хусусидаги фикрлар билдирилди. Бу ҳам депутатлик назорати-

ни талаб даражасида йўлга қўйилганимизни кўрсатяпти. Зеро, пойтахтлик депутатлар бошқа ҳудудлардаги сафдошларимизга нисбатан масъулият, ишни тўғри ташкил этиш, тadbиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар юзасидан ҳам ўрнатилган бўлиши лозим.

Тўғри, 2013 йили бошқа ҳудудларимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бунёдкорлик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий соҳалардаги янгиланишлар чиндан ҳам мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар каторига кириши учун мавжуд имкониятлар янада мустаҳкамланган давр бўлдики, бу жараёнда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликдан энг кўп манфаатдор бўлган ўрта қатлам вакиллари фаол иштирок этмоқдалар.

Ўтган 2013 йилда шахар ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига уларнинг ваколатларига қараганда масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуктаи назарини баён қилиш мақсадида жами 74 та депутатлик сўрови юборган бўлсак, уларнинг 15 таси Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва давлат дастурларининг ижроси,

қолган 59 таси эса фуқароларнинг мурожаатлари бўйича тайёрланган сўровдир.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, саноат йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш орқали янги иш ўринлари яратиш борасидаги ишлар юзасидан эса депутатлик гуруҳи ташабууси билан 6 та эшитув ўтказилди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессияси кун тартибига 5 та тақлиф киритилиб, шундан 4 таси сессияларда муҳокама қилинди. Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонуннинг ижроси ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш борасида Шайхонтохур (М. Мирқосимов), Юнусобод (Ш.Азимжонов), Сергели (О.Содиқов) туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳамда Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармониини ижроси юзасидан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Тошкент шаҳар Ташкилоти алоқалар, инвестици-



Равшан ФОЗИЛОВ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари

ялар ва савдо бошқармаси бошлиғи У.Саматовнинг ҳисоботини эшитдик.

Муайян натижаларга қарамай, дастлабки кунларданок ислоҳотлар муваффақияти учун масъулиятни ўз зиммасига олишини эълон қилган партия фаолиятимиз давр ўртага қўйётган талаблар даражасида эмаслигини тан олишимиз керак.

Кейинги пайтларда айрим туман кенгашлари электротар манфаатига доир долзарб масалаларни асосан тadbирлар ўтказиш орқали ҳал этишни маъқул кўрмоқдалар. Ваҳоланки биз асосий эътиборни қонунларнинг жойларда қандай ишлаётганига, электротар вакиллари тақлиф ва тавсиялари асосида уларни янада такомиллаш-

тириш вазифаларига қаратмоғимиз керак. Ҳар бир партия аъзоси — у депутатми, корхона, ташкилотда ишлайдими, ўз иш услубини замон талаблари асосида ўзгартирмас экан, партиянинг таянч нуқтаси саналган БПТлар фаолиятини жонлантиришга бевоэти хисса қўшмас экан, ўрта қатлам манфаатини ифода этаётган О'зЛиДеР сафида бўлишдан маъни йўқ.

Чунки бугун айнан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишда асосий қучга айланди. Бу реал ҳаёт ҳақиқатидир. Демак, партия аъзоси бўлиш ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда фаол иштирок этишни аниқлатади.

## Ёш мутахассислар ва фермерлар мулоқоти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

— Ҳўжалигимиз ҳисобида 350 гектар ер, гўшт ва сут ҳамда пахта қайта ишлаш цехлари мавжуд, — дейди Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев. — Бугунги ёшлар махсусоти интенси夫 усулда етиштириш, замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш борасида фаолиятимизни кенг жорий қилишимиз керак. Ҳар бир партия аъзоси — у депутатми, корхона, ташкилотда ишлайдими, ўз иш услубини замон талаблари асосида ўзгартирмас экан, партиянинг таянч нуқтаси саналган БПТлар фаолиятини жонлантиришга бевоэти хисса қўшмас экан, ўрта қатлам манфаатини ифода этаётган О'зЛиДеР сафида бўлишдан маъни йўқ.

Чунки бугун айнан кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишда асосий қучга айланди. Бу реал ҳаёт ҳақиқатидир. Демак, партия аъзоси бўлиш ижтимоий-сиёсий ўзгаришларда фаол иштирок этишни аниқлатади.



ассуротларим қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувдан самарали фойдаланиш бўйича битирув малакавий ишимада қўл келди.

Тadbирда мамлакатимизда фермерлик фаолиятини янада такомиллаш-

тириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида мутахассислар билан мулоқот қилинди.

Сайёра ШОЕВА, Ўза муҳбири.

### МУҚАДДАС БУРЧ

#### Ҳарбий хизмат — эзгу орзу

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифини бажарувчи, подполковник А.Рустамов ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар самарасида ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шон-шараф ишига айланган, амалдаги синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук йигитларга саралаб хизматга жўнатилаётганини таъкидлашди. Синовлар жараёнида йигитларнинг ансарияти ажойиб натижа кўрсатди. Улар орасида маҳоратли спортчилар ҳам бор. Бугун ҳарбий хизматга қақирлиқчиларнинг армияда хизмат қилишдек эзгу орзулари ушломқда.

— Ҳарбий хизмат нафақат конституциявий бурч, балки фахр ва шарафдир. — дейди қақирлиқчи Д.Асадуллаев. — Ҳарбий хизмат мен учун ҳамisha Ватанга муҳаббат ва ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлган. Саралаш танловларидан муваффақиятли ўтганимдан хурсандман. Чунки армиямиз сафларида хизмат қилиш болалик орзум эди. Бу мақсадга эришишимда спорт билан астойдил шуғулланганим ҳамда мактаб ва касб-хунар коллежида яхши ўқиганим ёрдам берди. Келажакда Қуролли Кучлар сафида қолиб, ҳарбий хизматни давом эттиришни ният қилганман.

Роман БОНДАРЧУК, Ўза муҳбири.

### КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

#### Замонавий технология — муваффақиятлар омили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ташкил этилган ва атиги икки турдаги махсусот ишлаб чиқарган корхона мамлакатимизда яратилаётган қулай шaroит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш, фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бораётди. Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган бўш турган бино таъмирланиб, «Микрокредитбанк»нинг туман бўлиmidан олинган 100 миллион сўм кредит эвазига хориждан замонавий тикув машиналари келтирилди. Натижада махсусот таннархи пасайиб, иқтисодий имкониятлар янада кенгайди. Айни пайтда маҳаллий хошмашдан кенг фойдаланилаётгани ишлаб чиқариш ҳажминини янада ошириш имконини бермоқда.

— Биз махсусот ишлаб чиқаришдан олдин ички ва ташқи бозорни яхшилаб ўрганимиз. — дейди корхона раҳбари, «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби Раҳмонберди Раҳимов. — Шунинг учун ҳам махсусотларимизга талаб ортиб бормоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида 72 фоиз махсусотимиз хорижга экспорт қилинган бунинг исботидир. Корхонада меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ансариятини хотин-қизлар ва касб-хунар коллежи битирувчилари ташкил этади. Уларнинг самарали ишлаши учун барча замонавий шaroит яратилган.

Эришилаётган муваффақиятларда меҳнатни ташкил этишда илгор иш услубларини қўллаш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишчи-хизматчиларни муносиб рағбатлантириш муҳим омили бўлмоқда.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, Ўза муҳбири.

### 14 ФЕВРАЛЬ —

#### ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУДИ КУНИ

#### Улуғ аждодларга эҳтиром

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

— Халқимиз шухратини дунёга таратган буюк аждодларимиз бизнинг фəхр-ифтихоримиздир. — деди республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Салоҳиддин Санақулов. — Айни пайтда уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш, тарғиб этиш ва ундан самарали фойдаланиш ҳар биримиз, айниқса, ёшлар учун беқиёс аҳамиятга эга.

Тadbирда Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқали драма театри, Самарқанд санъат коллежи ижодий жамоалари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Навоий ҳамда Бобур газалларига басталанган куй-қўшиқлар янгради.

Ғ.ҲАСАНОВ, Ўза муҳбири.

### О'ЗЛИДЕР ФРАКЦИЯСИДА


## Омбудсманнинг йиллик ҳисоботи маъқулланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАҲАБОВ, «XXI asr»

Омбудсманнинг фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятида яшашга, эркинлик ҳамда шахсий дахлсизликка, инсоний муомала ва қалр-қимматни ҳурмат қилишга доир конституциявий ҳуқуқларга

ётадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг самардорлиги кўрсаткичи ҳисобланади, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Чунки биттагина мурожаатнинг ижобий ҳал этилиши ҳам давлат органининг иш амалиётига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу маънода 2013 йилда фуқаролар мурожаатларининг асосий қисми ижобий ҳал этилгани ҳақиқатан ҳам



баён этилган масалалар ҳисобга олингани, таҳлил қилиниши ва умумлаштирилиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шaroитлар аниқланиши ва барта-раф этилиши зарурлиги таъкидланди. Аризончилар томонидан қўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш, фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш бўйича назоратни кучайтириш, давлат органлари, сулар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти

институтларининг иштирокини янада кенгайтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданияти даражасини ошириш бўйича ОАВ ролини ошириш ҳам ана шундай тавсиялар сирасига қиради.

— Кези келганда, Омбудсманнинг ҳисоботи йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани, мурожаатлар билан боғлиқ кўрсаткичларни авалги йиллар билан таққослаш имконияти яратилаётганини алоҳида қайд этиш керак, — дейди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Султонбой Жўраев. — Шу билан бирга, партияимизнинг Сайловоти платформасида белгиланган

устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили иқтисодий соҳада муаммолар ҳуқуқлари таъминлашига янада кўпроқ эътибор бериши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Йиғилиш якунида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқулланиб, фракциянинг тегишли қарорни қабул қилинди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, яна бир қатор муҳим қонун лойиҳалари юзасидан ҳам муҳокамалар бўлиб ўтди.

риной этилиши ва унинг химоя қилинишини таъминлаш масалалари муҳим ўрин тутди. Бундай мурожаатларни ўрганиш натижалари шунинг кўрсатмоқдаки, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган айрим мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар турли муаммоларни келтириб чиқаряпти.

эътиборга моликлар. Фракция аъзолари фуқароларнинг мурожаатлари билан иш олиб боришни яхшилаш, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонунини ижро этиш мақсадида тайёрланган тавсияларга ҳам алоҳида эътибор қаратилар. Жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқаролар мурожаатларида

# ҚОНУНЧИЛИК

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ҚАТОР ВИЛОЯТЛАРГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА ФЕРМЕРЛАР КЕНГАШЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, ИЛҒОР ФЕРМЕРЛАР НОМЗОДИНИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛИГИГА КЎРСАТИШ ЛОЗИМЛИГИ ХУСУСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ АНА ШУ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИГА АСОС БЎЛДИ.

## О`zLiDeP фракцияси ташаббуслари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI asr»

Хусусан, «фракцияларнинг фикрлари ва таклифларисиз масъул кўмита конун лойиҳаси юзасидан хулоса чиқариш ҳуқуқига эга эмас», «фракцияларнинг конун лойиҳаси бўйича билдирган фикрлари ва таклифлари ҳисобга олиниши шарт» каби нормалар бу борада яратилган энг муҳим ҳуқуқий асослардан бири бўлди. Қонунчилик палатаси фаолиятида бурилиш ясаган мазкур конунни қабул қилишда О`zLiDeP фракцияси аъзолари ҳам жонбозлик кўрсатдилар.

Мазкур конун асосида сиёсий партияларнинг фракциялари фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар юз берганини алоҳида қайд этиш лозим. Аввало, бунда депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар сони ошаётган бўлса, иккинчидан, энди улар нафақат ўзлари масъул этиб бириктирилган конун лойиҳалари, балки палата муҳокамасига киритилган барча конун лойиҳалари бўйича фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар.

— Қонун лойиҳаларининг тегишли кўмиталар билан бир вақтнинг ўзида фракцияларга берилиши мазкур ҳужжатларни жойларда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда муҳокама қилиш, фракция нуктаи назарини тайёрлашда тadbиркорлар ва аҳолининг бошқа қатламлари фикрларини инобатга олиш учун ҳам қулай шартот яратди, — дейди О`zLiDeP фракцияси раҳбари Бахтиёр Якубов. — Сиёсий ислохотлар, аввало, инсонлар учун амалга оширилиши, улар ҳар бир кишининг ҳаётига бевосита дахлдорлигини ҳисобга олсак, конунларни қабул қилишда аҳоли қатламларининг фикрлари чуқур ўрганилиши нақадар аҳамиятли эканлини тушуниш қийин эмас. Қисқа қилиб айтганда, янги конун қабул қилинганидан кейин фракциялар фаолиятида ташаббускорлик кучайди.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги конун лойиҳаси Қонунчилик палатасида Демократик блокка бириктирилган фракциялар — О`zLiDeP, «Миллий тикланиш» ДП ва «Адолат» СДП вакиллари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ушбу конун сиёсий партиялар зиммасидаги масъулиятни ошириш, сайловчилар манфаатини ифодалашнинг янги, янада самарали механизмларини ҳаётга жорий қилиш соҳасида муҳим қадам бўлди.

— Ушбу конундан кўзда тутилган асосий мақсад маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти самардорлигини

ни ошириш ва такомиллаштиришдан иборат, — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов. — У орқали партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартлари аниқ белгиланди.

Мазкур ҳужжат партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кучайтирганини эътироф этиш жоиз. Жумладан, тегишли вакиллик органи комиссиялари раислиги, раис ўринбосарлиги ва аъзоларига номзодлар бўйича таклифлар киритиш, муайян ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ҳисоботини сессияда эшитиш ташаббуси билан чиқини ҳақидаги норма ҳам конунда ўз аксини топди. Муҳими шундаки, мазкур конун асосида партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари кенгашига киритилган масалалар бўйича таклифлари албатта кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди.

Ушбу конуннинг қабул қилиниши ҳудудий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи аъзоларининг фаоллашуви ҳам кучли туртки берди.

О`zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги конуннинг 22-моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тобора кенг қулоч ёйиб бораётган фермерлик ҳаракатининг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини янада ошириш билан боғлиқдир. Депутатлик номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман ва шаҳар иқтисодий-иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этиётган, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик, фермерлик ҳаракатининг самардорлигини оширишга қўмақлашган шахслар кўрсатилиши ҳақидаги янги норма О`zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан партиянинг Сайловчи платформасидаги устувор йўналишлар ва электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ташаббусга кўра киритилди.

— Давлатимиз раҳбарининг қатор вилоятларга ташрифи чоғида Фермерлар кенгашлари ваколатларини янада кенгайтириш, илгор фермерлар номзодини маҳаллий кенгаш депутатлигига кўрсатиш лозимлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалари ана шундай ташаббус билан чиқинишга сабаб бўлди, — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуҳалиқ Жабборов. — Зеро, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида қайд этилганидек, электоратимизнинг салмоқли қисми бўлмиш фермерлар манфаатларини ифодалаган ҳолда, ушбу ҳаракат ижтимоий-сиёсий кучга айланганини, аграр секторни ба-



рқарор ва самарали ривожлантириш, қишлоқда аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўлини сифатидаги ўрнини эътироф этгани ва амалий ишларимизни ҳам шу мезон асосида ташкил қилганимиз.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур вакиллик наватбда, фермерлик ҳаракати самардорлигини ошириш, унинг халқ депутатлиги маҳаллий кенгашларида вакилликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими, қишлоқлар қиёфасини ўзгариштиришдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш билан боғлиқ. О`zLiDeP депутатлари сайлов конунчилигига Фермерлар кенгашлари раислари ҳамда тажрибали фермерларни халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш таклифи билан чиқинишлари замирида ана шундай ғоя мужассам эди.

Шунингдек, ушбу даврда О`zLiDeP фракцияси аъзолари ўзларининг конун ташаббускорлиги ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда Меҳнат кодексининг 16-моддаси, «Тadbир-

корлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги конуннинг 9-моддаси, «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги конуннинг 21-моддаси, Қонунчилик палатасидаги бир қатор фракциялар вакиллари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 113-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш борасидаги ташаббуслар билан чиқиниш.

Шу асосда тегишли конунларга киритилган ўзгаришлар нафақат мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантиришга қаратилган қатор конун нормаларини бир хилда талкин қилиниши учун замин яратди, балки тadbиркорлик субъектларида фаолият юритаётган меҳнат жамоаси вакиллари химоялаш даражасини кучайтириш, шу орқали бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш йўлида ҳам янги бир қадам бўлди.

Кўриниб турибдики, парламент қуйи палатаси депутатлари, шу жумладан, қўллаб қонунчилик ташаббуслари билан чиқайтган О`zLiDeP фракцияси аъзолари илгари сураётган таклифлар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти би-

лан ҳамбарчас боғлиқ. Бунда депутатларнинг конун ташаббускорлиги йўналишида амалга ошираётган ишлари тобора охиб бораётганини кўзга ташланаётган бўлса-да, хали бу борадаги фаолият талаб даражасида эмаслигини айтиб ўтиш лозим.

О`zLiDeP фракциясининг яқинда бўлиб ўтган йўналишида айна шу масалалар атрофида муҳокама қилинди. Партиянинг Сайловчи платформасидан келиб чиққан ҳолда тadbиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришни таъминлашга қаратилган конун ташаббусларини олиб чиқинишда белгилаб олинган барча вакиллик ҳам ҳисобот даврида тўлиқ бажарилмагани алоҳида эътибор қаратилди. Чунки фракциянинг барча аъзолари конун ташаббускорлиги йўналишида етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганлар. Йўналишида 2014 йилда айнан шу йўналиш, яъни депутатларнинг конун ташаббускорлиги, қабул қилинаётган конун ҳужжатлари ижроси юзасидан парламент назоратини қўлай қилишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш бўйича аниқ вакиллик белгилаб олинди.

### ➤ ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ

#### Навоийда очиқ мулоқот

О`zLiDePнинг «Тadbиркорлар мулоқот форуми» лойиҳаси доирасида Навоий вилоятида ташкил этилган давра суҳбатида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аграр тармоқни модернизация қилиш, шунингдек, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, хусусий мулкчиликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофида фикр юритилди.

— Тadbир давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга иқтисослашган кўп тармоқли фермер хўжалиқларига банк кредитлари ва лизинг хизматларидан оқилона фойдаланиш, улар учун яратилган преференциялар ва солиқ имтиёзлари хусусида кенгроқ маълумот олиш имкониятига эга бўлди, — дейди Навбахор тумани Фермерлар кенгаши раиси Бобоназар Рўзимуродов. — Бу эса келгуси фаолиятимиз учун муҳим аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз. «Триумф горняк» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Валибой Файзиевнинг фикрича, бугунги ислохотлар жараёнида сиёсий фаолликни ошириш, эл-юрт манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш ҳар бир инсоннинг муҳим фуқаролик бурчидир. Давра суҳбатида фермерлик ва тadbиркорлик ҳаракатини изчил ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ҳал этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О`zLiDeP фракцияси зиммасига алоҳида масъулият юклатилиши таъкидланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, О`zLiDeP фракцияси аъзолари Равиль Собиржонов ва Фахриддин Солиев тadbир иштирокчиларининг саволларига атрофида жавоб қайтариди.

Мансур АСЛОНОВ.

## ҲОКИМ ўринбосарининг ҳисоботи эшитилади

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳи Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудда амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари Ҳ.Ғойировнинг ахборотини эшитишга қарор қилди

### Ўз муҳбиримиз

Маълумки, қабул қилинган конунлар ва давлат дастурлари ижросини назорат қилиш, аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг ечимини бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш барча бўғинлардаги О`zLiDeP депутатлари зиммасидаги долзарб вазифалардандир.

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги 29 нафар О`zLiDeP вакиллари ҳам ўтган йилда электорат муносабатлари асосида мутасадди идоралар раҳбарлари номига 70 дан зиёд депутатлик сўрови юбордилар. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилган таклифларнинг 2 таси вилоят кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, атрофида муҳокама қилинди.

Масалан, Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиниши янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш борасидаги ишларнинг самардорлиги ҳақида вилоят Фермерлар кенгаши раиси Ш.Мавлоновнинг ҳисоботи эшитилган, сессия қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Умаров ҳамда барча туман ҳокимларига тегишли тавсиялар берилди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қила бошлади.

Депутатлик гуруҳининг жорий йилдаги йўналишлари ҳам муҳим масалаларга бағишланаётди. Хусусан, О`zLiDeP вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлик гуруҳининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбарининг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини

оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номли маърузасидан келиб чиққан вазифалар белгилаб олинди.

Йўналишида алоҳида таъкидланганидек, дастурий маърузада кичик бизнес субъектлари ва хусусий тadbиркорлар, фермерлар фаолиятига юқори баҳо берилиб, 2014 йилда улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш лозимлиги борасидаги фикр-мулоҳазалар О`zLiDeP фаолларини ҳам янги марралар сари ундамоқда. Бугун вилоятда мавжуд 4 миңдан зиёд фермер хўжалиқларининг 30 фоизини О`zLiDeP аъзолари бошқараётгани эса бу масъулиятни янада оширади.

Шу ўринда партия фаолларининг Фермерлар кенгашлари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари реал натижалар бераётганини қайд этиш лозим. Еларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тармоқни техник ва технологик модернизациялаш, фермер хўжалиқларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббускор қишлоқ мулкдорлари номзодларини маҳаллий кенгашлар депутатлигига кўрсатиш борасидаги ишлар ана шу ҳамкорликнинг асосини ташкил этапти.

Қўшма йўналишида 2013 йилнинг ўзида вилоятда 1542 талдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлагани, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 8724 тага етгани, яъни ҳудудий маҳсулотнинг 66,8 фоизи улар ҳиссасига тўғри келаётгани қайд этилди. Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 25 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,4 фоизи, жами хизматларнинг эса 53 фоизи О`zLiDeP электорати вакиллари уллушидир.

О`zLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори муdiri Умида Рустамованинг таъкидлашича, мажлисда йил бошида тасдиқланган режага асосан Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини

ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудда амалга оширилаётган ишлар юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Ғойировнинг ахборотини эшитишга қарор қилди

Кези келганда депутатлик гуруҳининг бу йилги иш режасига Инвестиция дастурига киритилган объектларнинг ўз вақтида сифатли фойдаланишга топширилишини таъминлаш бўйича вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона бюротмачи инжиниринг компанияси раҳбарининг ҳисоботини эшитиш ва унинг яқунлари бўйича аниқ таклиф-тавсияларни тайёрлаш масаласи ҳам киритилганини таъкидлаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Кооперация» талабларини ҳаётга таъбиқ этишдек ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг фаолияти долзарб аҳамият касб этади. Зеро, ғоялар курашининг доимий тус олиши, хар қайси сиёсий партиянинг ўз олдида қўйган мақсад-муддolariга соғлом рақобат орқали эришиши Концепциянинг асосий талабларидан биридир. Шунинг учун ҳам О`zLiDeP ўз Сайловчи платформасида белгилаб қўйганидек, тadbиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш ва ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда ўз аксини топиши, балки амалда ҳам унга қатъий риоя қилиниши керак, деган ғояни илгари суради. Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳининг долзарб масалалар юзасидан олиб бораётган назорат-таҳлил фаолияти ана шу ғоянинг биргина амалий ифодаси, ҳолос.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

«Қатъият билан, ундан-да муҳими, улкан муҳаббат билан, энг асосийси эса, ишга диққат-эътибор ва ҳолис адолат билан кўп нарсага эришса бўлади».





# БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

06 (534)-сон, 2014 йил 13 февраль, пайшанба

## Етакчилар имтиҳонга тайёрми?

О`зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Бошланғич партия ташкилотларининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида жойларда 15 февралдан 15 апрелга қадар ҳисобот-сайлов йиғилишлари ташкил этилади

### ХАБАРЛАР

#### Шаҳрихонда яна бешта

Таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бош бошқармаси, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, «Камолот» ЕИХ, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Шаҳрихон бўлимида ҳам О`зЛиДеРнинг мақсад ва вазифалари, амалий ишлари кенг тарғиб этилганидан кейин мазкур ташкилотлар ходимлари партия сафида бўлиш истагини билдирдилар. Шу тариқа Шаҳрихон туманидаги бошланғич ташкилотлар сони бештага кўпайди. — Ўз маснадошларини ягона мақсад сари етаклаш қуйи бўғин раисларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. — дейди О`зЛиДеР Андижон вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Э.Ниёзов. — Шу боис янги тузилмаларга муносиб кишиларнинг етакчиликлари сайланишига катта аҳамият берилмоқда. Ўз мухбиримиз.

#### Фарғоналик либераллар сафи кенгаймоқда



Кўшпета туманидаги Иброҳимжон Султонов бошчилигида қилаётган «Исмоилжон гиламлари» хусусий корхонасида 15 нафар аъзони бирлаштирган янги БПТ тузилди. — О`зЛиДеРнинг хусусий секторни қўллаб-қувватлашга қаратилган амалий ҳаракатлари, айниқса, қонун ташаббускорлиги билан боғлиқ фаолияти барчада катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди қуйи бўғин етакчиси И.Султонов. — Айни пайтда партиявий бурчимиздан келиб чиқиб, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаймиз.

Фарғона шаҳридаги «Сайқал» хусусий фирмасида ҳам олти аъзодан иборат бошланғич ташкилотга асос солинди. БПТ раиси Абдурахим Ниёзовнинг айтишича, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга яқиндан қўмаклашиш, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш асосий вазифа сифатида белгиланди. **А.ҲАМДАМОВ,** О`зЛиДеР Фарғона вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари.

#### «Етти хазинанинг бири»га қизиқиш кучайяпти

Косонсой туманидаги «Сафо» фермер хўжалигида «Паррандачиликни ривожлантириш истиқболлари» мавзусида мулоқот уюштирилди. О`зЛиДеР аъзолари ташаббуси билан ташкил қилинган тадбирда кўп тармоқли фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар барпо этилиши туфайли чорвачилик, боғдорчилик билан бирга паррандачилик ҳам изчил ривожланаётгани, хусусан, туманда ушбу йўналишда 97 та лойиҳа амалга оширилгани таъкидланди. «Сафо» фермер хўжалигида иш олиб бораётган қуйи бўғин етакчиси Сарахон Одилованинг фикрича, БПТ аъзолари ҳам тумандаги 25 нафар фермер аёлини етти хазинанинг бири — паррандачиликни ривожлантиришга жалб этилтилар. Тадбир қатнашчилари бундан кейин ҳам ана шундай ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар. **Аҳроржон МУСУРМОНОВ.**

**БПТлар учун XXI ASR**  
Ижтимоий-сиёсий газетасига  
**ОБУНА** давом этмоқда.  
Мурожаат учун телефон:  
**(8-371) 215-63-80**



#### Ўз мухбиримиз

Айни пайтда жойларда О`зЛиДеРнинг 7828 та бошланғич ташкилоти 180 мингга яқин партия аъзоси бошини қовуштириб турганини инобатга олсак, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг партия ҳаётидаги аҳамияти нечоғли муҳим эканини англаб етамиз. Зиммасига партиянинг ғоя ва макссадларини кенг тарғиб этиш, маҳаллий кенгашлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги вакилларимиз билан сайловчи, энг асосийси, электрорат ўртасида кўприк бўлишдек масъулиятли вазифани бажараётган қуйи бўғинлар ҳақиқатан ҳам партия пойдеворидир. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари эса ана шу нукта мустаҳкамлигини синондан ўтказиш баробарида унинг ишчанлик фаолияти хусусида ҳам тегишли хулосалар чиқариш имконини бе-

ҳам сайланиши мумкин.

Айни пайтда жойларда О`зЛиДеРнинг 7828 та бошланғич ташкилоти 180 мингга яқин партия аъзоси бошини қовуштириб турганини инобатга олсак, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг партия ҳаётидаги аҳамияти нечоғли муҳим эканини англаб етамиз. Зиммасига партиянинг ғоя ва макссадларини кенг тарғиб этиш, маҳаллий кенгашлар ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги вакилларимиз билан сайловчи, энг асосийси, электрорат ўртасида кўприк бўлишдек масъулиятли вазифани бажараётган қуйи бўғинлар ҳақиқатан ҳам партия пойдеворидир. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари эса ана шу нукта мустаҳкамлигини синондан ўтказиш баробарида унинг ишчанлик фаолияти хусусида ҳам тегишли хулосалар чиқариш имконини бе-

**«ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ РАХБАР ОРГАНИ ҲИСОБЛАНАДИ. БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ЗАРУРАТ БЎЛГАН ПАЙТЛАРДА, АММО БИР ЙИЛДА КАМИДА 4 МАРТА ЎТКАЗИЛАДИ. БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА УНИНГ РАИСИ ВА ЎРИНБОСАРИ БИР ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛОНАДИ. БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИНГ РАИСИ ВА РАИС ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ ТУМАН (ШАҲАР) ПАРТИЯ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛОНАДИ.»**

О`зЛиДеР Уставидан.

ради. Айни пайтда жойлардан олинаётган маълумотлар аксарият БПТ аъзолари ва етакчиларнинг ўз ишларига сидқидилдан ёндашаётганларини кўрсатса-да, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор туманларидаги айрим

дими Б.Аҳмедов. — Зеро, йиғилишлар яқинлашаётган жиддий имтиҳон — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга ҳам ўзига хос тайёргарлик бўлиб, уни юқори савияда ўтказиш олдимизда турган энг муҳим масаладир.

#### «Моҳир қўллар» тажрибасиз «қўллар»ни оталиққа олди

«Китоб ип йиғирув» очик акциядорлик жамияти ҳамда «Шаҳрисабз пахта тозалаш» ОАЖ ҳамкорлигида «Моҳир қўллар» деб номланган янги цех ташкил этилиб, унга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 40 нафари ишга қабул қилинди. — «Агробанк»дан 235 млн. сўмлик кредит олиб, замонавий тикув дастгоҳлари харид қилдик. — дейди жамият раиси Фахриддин Азизов. — Айни пайтда 20 турда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Хом ашё асосан Тошкент, Фарғона ва Намангандан келтирилмоқда. Талаб ва эhtiёжларни инобатга олиб, аёллар ва болалар учун кийим-кечаклар, эркаклар қўйлаги ҳамда махсус иш либослари тайёрлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Хусусан, цехда 25 миллион 800 минг сўмлик замонавий ускуна ўрнатилгач, маҳсулотларимиз сифати янада ошди. Туманимиз азалдан моҳир каштадўзлари, зардўзу чеварлари билан ном қозонган. Шунинг учун ҳам тажрибасиз бўлса-да, хотин-қизлар, айниқса, ёшларни уста-шогирданьянаси асосида касбга ўргатяпмиз. **Сайфулла ИКРОМОВ.**

## Янги БПТнинг кучи «Янги Камолон»га етармикин?

**«О`зЛиДеРга фақат тадбиркорлар ва фермерлар аъзо бўлиши мумкин» деган фикрнинг нотўғри эканини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Заррина Абдуллаева ташаббуси билан ташкил этилган қуйи бўғин аъзолари исботламоқдалар**



Сониқ ЗОИР олган сурат

#### Наргиза КАҲҲОРОВА, «XXI asr»

— Етти нафар таникли спортчи иштирокида ўз фаолиятимизни бошладик, — дейди З.Абдуллаева. — Зеро, бутунги кунда нафақат тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, балки спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантириш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Қолаверса «Соғлом бола йили»да ўртага қўйилган устувор

вазифалар биз, спортчиларни ҳам сиёсий жараёнларда фаол қатнашишга даъват этмоқда. Жумладан, яқинда Шайхонтахур туман ҳокимлигига «Янги Камолон» МФЙ ҳудуддаги болалар майдончасини замонавий услубда қайта жиҳозлаш, уни мини-футбол ўйингоҳига айлантириш ҳақида мурожаат қилдик. Эътиборлиси, ўйингоҳни асосан хомийлар ёрдами билан барпо этиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу БПТ сафида жaxon ареналарида юртимиз

шаънини муносиб равишда химоя қилиб келаётган одамлар — миллий қураш бўйича халқаро тоифадаги спорт усталари Азамат Бойқулов, Зафар Йўлдошев, бадий гимнастика бўйича Осис чимпони, халқаро тоифадаги спорт устаси Азиза Мамажоновна, миллий қураш бўйича мамлакат терма жамоаси бош мураббийи Мурод Дўсимбетов ва бошқалар бор. Улар партиявий бурча масъулият билан ёндашиб, ўзларига билдирилган ишончини тўла оқлашди, деб умид қиламиз.

#### Муаммо энди Адлия вазирлиги назоратида

**«Бекобод шаҳар электр тармоқлари» унитар корхонасида иш олиб бораётган бошланғич ташкилотга ҳудуддаги бир гуруҳ тадбиркорлар мурожаат қилиб, шаҳарда битта нотариал идора фаолият олиб бораётгани туфайли ноқулайликлар вужудга келаётганини маълум қилишган эди. БПТ ташаббуси билан ушбу масала юқори ташкилотларда босқичма-босқич муҳокама этилганидан кейин Адлия вазирлигига мурожаат қилинди. Яқинда Адлия вазирлиги ўринбосари томонидан жавоб хати олинди. Унда қайд этилишича, шаҳардаги нотариал идорада аслида 3 нафар ходим ишлаши белгиланганига қарамай, 2 та ўрин вакант бўлиб қоларгани учун вазирлик томонидан бўш нотариус ўринларига танлов ўтказиш тўғрисида ОАВга эълон берилган. Шунингдек, хатда Бекобод шаҳрида яна битта нотариал идоранинг иши йўлга қўйилиши режалаштириларгани ҳам маълум қилинган. Ўз мухбиримиз.**

# Асосий эътибор — ишлаб чиқаришга

2013 йили «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш учун 494 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратилди

## Ўз мухбиримиз

Бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда молия муассасалари зиммасидаги масъулият қанчалар муҳим эканини бутун банк сармоялари эвазига қўлга киритилган натижалардан кўриш мумкин, албатта. Йирик sanoat корхоналари, хусусий секторда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда молия бозоридида мустақкам мавқега эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Маълумки, ўтган давр мобайнида тадбиркорлик иктисодиётимизнинг ажаралмас қисмига айланган. Шундан келиб чиқиб тижорат банклари соҳани изчил қўллаб-қувватламоқдалар.

«Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси ҳам ўтган йили 2012 йилга нисбатан 1,3 баробар ёки 114 млрд. сўм кўп миқдордаги кредитни ушбу соҳага йўналтирди. Сармояларни тармоқлар бўйича тақсимласак, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 105,7 млрд., аёллар тадбиркорлигини ривож-

лантиришга 30 млрд., касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 5,7 млрд., оилавий тадбиркорликка 6,6 млрд., интенсив боғлар барпо этиш учун 1,8 млрд. сўм ажратилганини кўриш мумкин. Энг муҳими, лойиҳаларни кредитлаш ҳисобига 11791 та янги иш ўрни ташкил этилгандир.

Бундан ташқари ўтган йили аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида ёш оилаларга уй-жой, рўзгор буюмлари харид қилиш учун ҳам 17,6 млрд. сўм кредит ажратилди. Жумладан, уй-жой соғиб олишга 15,3 млрд. сўмлик ипотека ҳамда қишлоқ жойларда уй-рўзгор буюмлари хариди учун 2,3 млрд. сўм истисмоил кредитлари берилди.

Қишлоқ саноатни олиб қираётган, аҳоли дингидини таъминлаш жараёнида фаол иштирок этаётган фермер хўжаликлари ҳам банк томонидан изчил қўллаб-қувватланаётган. 2013 йил мобайнида фермер хўжаликларининг моддий-техник базасини янгиллаш, яъни қишлоқ хўжалиги техникалари, мини-технологиялар, уруғлик ва қўчатлар сотиб олиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва баллиқчиликни ривожлантириш учун 5,6 млрд. сўм миқдоридан кредитлар йўналтирилди.



— 2008 йилдан буён «Ўзсаноатқурилишбанк» минтақавий филиали мижозимиз, — дейди Шахрисабздаги «Ал Комил Кеш» фермер хўжалиги раҳбари Исомиддин Саломов. — Хўжалигимиз пахтачилик, галлачилик, пиллачилик, чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Банкнинг 71,9 млн. сўм миқдориданги имтиёзли кредити ҳисобига давлатга 200 тонна «оқ олин» тошириб, 100 млн. сўмдан ортик даромад олди. Бундан ташқари, Украинадан 70 бош йирик шохли қорамоллар харид қилиш учун 480,0 млн. сўм

миқдоридан имтиёзли кредит олиб, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бера бошладик. Натигада 22 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди. «Ўзсаноатқурилишбанк» фермер хўжаликларига нафақат имтиёзли кредитлар ажратиш, балки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, молиявий маблағларни бошқариш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, тайёрланаётган маҳсулот маркетингини юритишда ҳам амалий кўмак бермоқда. Банк мутахассислари томонидан фермер хўжаликларига кредитлашнинг янги тартибини тушунти-

риш, уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакат молия бозоридида ўз ўрнига эга бўлган мазкур банк иктисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўймоқда. Банк мутасаддиларининг фикрича, жамоа «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тараккий элтириш, истикболли лойиҳаларни молиялаштириш йўлида ўз фаолият қўламини кенгайтириб бораверади.

## ТАДБИРКОР, ИШБИЛАРМОН ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номи маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакиллари қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойда икки марта тўғридан-тўғри мулоқот уюштиришни режалаштирди.

### ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очиқ мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга ҳалақит бераётган муаммолар юзасидан мулоқот қилишингиз мумкин.

Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятига қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим ҳудудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймики, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

### МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚЎНФИРОҚ ҚИЛИНГ! МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

#### ОЧИҚ МУЛОҚОТГА:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Улуғбек Мустафоев**, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси **Алишер Шайхов**, «Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси **Абдихаёв Шайхон**, Ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банки» қошида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори **Жаҳонгир Мустафоев** сингари мутасадди раҳбарлар таклиф этилади.

Биринчи мулоқот 2014 йилнинг 14 февралда (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида соат 16.00 да ўтказилади.

Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори **Жаҳонгир Мустафоев** жавоб қайтаради.

**Умид қиламики, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.**

Қўшимча маълумот учун телефонлар:

**(+998 71) 281-42-08, 281-40-17, 215-63-80.**

Электрон почта: **XXI\_ASR@mail.ru**

## ➤ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

### Етакчи фермерлар қай тартибда рағбатлантирилади?

Адлия вазирлиги O`zLiDeP, Ўзбекистон Фермерлари Кенгаши, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ: ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР» МАВЗУИДА АНЖУМАН ТАШКИЛ ЭТДИ

Унда асосан «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилди.

Анжуманда кўп тармоқли фермер хўжаликлари маҳсулотлар етиштириш билан бирга, уларни қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишда ҳам самарали фаолият олиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бугун ана

шундай фермер хўжаликлари сони 18 миңдан зиёди ташкил этилган.

Сўзга чиққанлар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликлари рағбатлантириш тартиби тўғрисида»ги Низом қишлоқ мулкдорларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашни кучайтириши билан аҳамиятли эканини қайд этдилар. Унга кўра, мавсумда пахта хом ашёсини етишти-

ришда камида 20 гектар майдонда 40 центнердан ҳосилдорликка эришган хўжаликлар юқори натижалли фермер хўжаликлари ҳисобланади.

Бундай хўжаликларга пахта экиладиган жами ер майдонининг камида 5 фоизига қонунларда тақиқланмаган экинлар экиш, ёқилгил-мойлаш материалларини Молия вазирлиги томонидан декларация қилинган нархларда харид қилиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олиш,

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситаларидан хоҳлаган бир моделини пул ўтказиш йўли билан сотиб олиш, қишлоқ жойларида қуриладиган намунавий уй-жойларни навбатсиз харид қилишда имтиёзлар берилди.

Тадбирда мазкур Низом талабларини амалиётга жорий этиш борасидаги дастлабки натижалар хусусида агрофлича маълумот берилди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати.

## ➤ СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Менга иш таклиф этаётган корхона уч ойлик синов муддати билан шартнома имзоламоқчи. Шу тўғрими? Мен юқориданги таклифни рад этишим мумкинми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Д.ҲАБИБОВ, Тошкент шаҳри».

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 84-моддасига асосан, дастлабки синов пайти ходимнинг юқориликтаги ишга лаёқатлигини текшириб кўриш ҳамда мехнат шартномасида белгиланган ишнинг давом эттиришнинг мақсадида мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиш учун белгиланади.

Шунга қарамай синов юзасидан келишув меҳнат шартномасининг мажбурий шартин ҳисобланмайди. Иш берувчи ёки ходим ушбу шартни меҳнат шартномасига қаритишнинг талаб қилиш ва уни Мехнат кодексининг 85-моддасида кўрсатилгандек уч ойгача муддатга белгилаш ҳуқуқига эга.

Агар ходим меҳнат шартномасига синов муддати киритилишига розилик бермаса, иш берувчи ва ходим меҳнат шартномаси бўйича келишувга эриша олмайди, деб тушунилади. Демак, шартнома тузилмайди. Ушбу ҳолатда сизга рад жавоби берилиши мумкин.

Агар дастлабки синов муддати туғайига қадар томонларнинг бирор-бири меҳнат шартномасини тўхтатиш ҳақида ариза бермаса, шартнома муддати давом этади ва унинг кейинчалик тўхтатилиши умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 84-моддаси учинчи қис-

мига асосан, ҳомилдор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда олий ўқув юрталарининг битирувчилари тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичда биринчи бор ишга қабул қилинганда, шунингдек, олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмайди.

Шунингдек, Мехнат кодексининг 86-моддасида дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартномалари тўлиқ таъкид этилиши ва дастлабки синов даври меҳнат стажига кириши кўрсатиб берилган.

Саволга «XXI asr» газетаси ҳуқуқшуноси **И.Яманкулов** жавоб берди.

## ➤ ХАБАРЛАР



### Касбда «голланд» пишлоғи

Касби туманидаги «Ихлос ҳалол пишлоқ» хусусий корхонаси иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олган. Яқинда бу ерда «голланд» пишлоғини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Хусусий тадбиркор Сайдулла Абдуманов ўтган йили «Халқ банки»дан 60 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, сутни қайта ишлаш технологиясини харид қилган эди. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган бринза, пишлоқ таёқчалари, «кашар» ва «голланд» пишлоғи каби тўрт хил маҳсулот хариддорларга манзур бўлмоқда.

### Косоннинг нони ширин

«Koson Kapital invest» масъулияти чекланган жамияти цехларида бир кеча-кундузда 5 миң дона қолипчи нон тайёрланиб, Косон тумани ва Қарши шаҳри аҳолисига етказиб бериляпти. Ишлаб чиқариш жараёни 18 миң АҚШ долларини замонавий ускуналар билан таъминланган. Айни пайтда бу ерда 16 киши меҳнат қилаётди.

### «Бизнес остонаси»нинг остонаси мустақкам

Яккабоғлик Гулбаҳор Исматова «Қишлоқ қурилиш банк»нинг туман бўлимида 50 миллион сўм кредит олиб, 18 та замонавий тикув машинаси харид қилган эди. Эндиликда унинг «Бизнес остонаси» деб номланган оилавий корхонасида 20 киши меҳнат қиляпти. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, айни пайтда жамоа аъзолари буюртма асосида кўрпа, ёстиқ жиддлари ва аёллар учун турли кийим-кечаклар тикиб, буюртмачиларга етказиб беришмоқда. **Сайфулла ИКРОМОВ.**

## ➤ ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТ

### «Қоратог чорваси»нинг бежирим пайпоқлари

Навбахор туманидаги «Қоратог чорваси» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Боевнинг сўй-ҳаракати билан Арабхона қишлоғида кичик корхона иш бошлади. Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех фаолиятини йўлга қўйишда «Миллий банк»нинг Навоий вилоят филиали томонидан ажратилган 120 миң АҚШ доллари миқдориданги имтиёзли кредит қўл келганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни кунда бу ерда касб-хунар коллежларини битирган 8 нафар қиз маҳаллий хом ашёдан болалар ва катталар учун пайпоқлар ишлаб чиқармоқда.

Хўжалик раҳбарининг таъкидлашича, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор ҳамда соҳа вакиллари учун яратилган қулай имкониятлар туфайли фермерлар том маънода қишлоқларимиздаги етакчи кучга айландилар. Т.Боев ҳам яқин кунларда цех қувватини янада ошириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот турларини кўпайтириб, экспорт қилишни режалаштиряпти.

Мансур АСЛОНОВ.

## Лоқайдлик кечирилмайди

2013 йилда глобал исиш сабабли юз берган сув тошқинлари, довул, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар натижасида дунё иқтисодиётига етказилган зарар миқдори 200 млрд. АҚШ долларига етди



Ақбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»

Неча асрлардан бери ўз неъматларини тириклик йўлида беминнат тухфа этиб келаётган табиат билан инсон ўртасида бугун кўринмас бир жарлик пайдо бўлди, десак хато қилмаймиз. Зеро, мувозанатнинг издан чиқиши, тупроқ нураши, тузли ёмғирлар, атмосфера инфлослангани, озон қатламнинг бузилиши ва ҳоказолар кўйлаб офатларни келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Оқибатда дунё микросида экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ касалликлар кўпайиб бормоқда. Мутафаккирлардан бири «Меъёрни билмасанг, энг ёқимли нарса ҳам беҳад ёқимсиз нарсага айланади», дея таъкидлаган эди. Бундай ҳулоса табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларга ҳам тўла тааллуқлидир.

Агар лоқайдлик ва эътиборсизликнинг оди олинмас, биринчи навбатда Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралия жидди муаммолар гирдобига қолажаги тахмин қилинмоқда. Гапимиз исботи сифатида деярли ҳар куни сайёрамизнинг тох у, тох бу бурчагида табиий офатлар рўй бераётгани, экологик мувозанатнинг бузилиши билан боғлиқ салбий

хоталар юзага келаётганини айтиб ўтиш мумкин. Мисол учун, ўтган йил Эзида Хиндистоннинг тоғли Утаракханд штатида юз берган сув тошқини оқибатида ҳалок бўлганлар сони 600 нафардан охиб, қарийб беш мингдан зиёд киши бедарак йўқолди. Ушундан шунга қарата раҳбар Вижай Бахугуна «Химолай тарихида ҳали бундай ҳалокат юз бермаган эди. Муқаддас Ганг дарёсидан олиб чиқилаётган қурбонларни кўриб, табиат ўзига нисбатан қилинган зуғумни ҳеч қачон кечирмаслиги яна бир қарра исботини тоиди», деган эди. Таъкидлаш керакки, Хиндистон учун ёз ёғингарчилик фақли ҳисобланади. Июндан сентябрга қадар бу ерда мунгазм ёмғир ёғади. Аммо ўтган йили мамлакат шимоли ҳамда Непалда ёғингарчилик меъёридан кўпроқ бўлди. Оқибатда канчадан-канча кўнгилсиз ҳолатлар юз берганини юқорида таъкидлаб ўтдик.

Бу каби табиий офатлар булутли осмон ва ёмғир ёғиши оддий ҳола айланган Буюк Британия учун ҳам қатор мушкулларни келтириб чиқармоқда. Маълумотларга қараганда, 2012 йили мамлакатнинг Дарем, Шимолий Йоркшир ва Шимолий Уэльс музофотларида содир бўлган ёғингарчилик сабабли йўлларни сув босиб, юзга яқин оила хавфсиз жойга кўчирилган. Энг ажабланилиши, ўшанда сув тақчиллигидан азият чекадиган Африка давлат-

лари ҳам тошқинлар гирдобига қолди. Хусусан, китъа ғарбида қунига 100 мм.дан ортиқ миқдорда ёмғир ёғиши ҳамда 1929 йилдан бери илк бор Нигер дарёси суви сатҳининг кескин кўтарилиши сабабли 52 киши ҳаётдан кўз юмиб, 400 миң нафар фуқаро ўз бошпанасини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Шу ўринда Жаҳон банки тарқатган маълумотларга эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Яъни глобал иссиш сабабли юз берган сув тошқинлари, довул, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатлар натижасида дунё иқтисодиётига етказилган зарарнинг йиллик миқдори 200 млрд. АҚШ долларига етди. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 80-йилларида ушбу кўрсаткич 50 млрд.ни ташкил этган эди. Шунинг ўзи дунё ҳамжамиятини хушёрликка чорламоқда. Чиндан ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим иссишининг олдини олиш инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-маъна ташкил бўлган муаммоларга айланган бораётган. Мутахассислар фикрича, келгуси беш йил орасида иссиқ иқлим таъсирида тахминан 1,5 миңгача каттаю кичик музликлар батамом йўқ бўлиб кетishi мумкин. Халқро микросидаги йирик тадбирларда асосий эътибор ана шу каби муаммоларга қаратилаётгани ҳам тасодифий эмас. Ер қуррасининг экологик муҳити эмирилишига қарши зудлик билан етарли чоралар қўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг микросидаги қурғоқчилик ёки аксинча, сув тошқинлари, вайронкор довуллар, юқумли троник касалликлар, ҳарбий моҳирлар ва мислсиз миграция таҳдидлари исқанжасида қолгани мумкинлиги бот-бот тақдорланмоқда. Дунё-

нинг турли худудларида минераллашган сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши, шўрланиш, табиий унсурлардан нотўғри фойдаланиш, соҳага оид қонунлардаги камчилик ва қусурлар қандай оқибатларни келтириб чиқараётганини айтмаса ҳам бўла-

да кузатилаётган қурғоқчилик, иккинчи қисмида рўй бераётган сув тошқинлари, яна бир минтақада содир бўлаётган ҳалокатли зилзила, цунами ва ҳоказолар фикримиз далилидир. Бундан 4 йил муқаддам Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида юз берган

гайиб бориши, АҚШ президенти Барак Обама таъкидлаганидек, мамлакат тарихида мисли кўрилмаган экологик ҳалокатни келтириб чиқарди. «Бритиш петролюм» компаниясига қарашли нефть платформасида кучли портлаш рўй берган, платформа сувга кўмилган,

бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларнинг жадал ўзлаштирилиши, суғорма деҳқончиликнинг ривожлантирилиши ва ҳоказолар сайёрамиздаги йирик суви хавзаларидан бири — Оролнинг қуришига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баробардан кўпроқ қисқариб, сув ҳажми 10 мартаба камайди. Унинг минераллашуви даражаси эса худди шу миқдорда ошди. Экологик хавф доимий тус олиб, маъжуд худуд ҳолати, маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё давлатларига сафари чоғида Мўйноқдаги «кемалар қабри»ни ўз кўзи билан кўрган БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ҳам жаҳон ҳамжамиятини Орол муаммосини ҳал этиш учун ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга чақирганили бежиз эмас.

Хуллас, экологик хавфсизлик барча учун бирдек муҳим ва зарур. Чунки бир жойда рўй берган табиий офат етиб бормаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Мисол учун, жорий йилда кузатишган ўта совуқ хаво бир қатор давлатлар, жумладан, АҚШ учун талайгина муаммоларни келтириб чиқарди. Айрим худудларда хаво хароратининг минос 40 дан 50 даражага тушиб кетганлиги оқибатида мамлакат иқтисодиётига 5 млрд. доллар миқдорда зарар етгани айтилмоқда. Совуқ хаво оқими фақатгина Қўшма Штатлар билан чегаралиб қолгани йўқ. Бироз муқадд ўтиб ўз «хуқми»ни Европа, ундан сўнг Осиёга ҳам ўтказди.

Бу, албатта, табиатнинг ишидир. Нима бўлганда ҳам ҳар биримиз ўз бурчимизни асло унутмаслигимиз лозим. Зеро табиат лоқайдликини асло кечирмайди.

### БМТ хузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи ахборотларида эътироф этилганидек, XXI аср охирига бориб Ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлиши кутулаёттир.


ди. Айниқса, глобал иқлим иссиши инсониятни хавотирга солаётган асосий сабаблардан биридир. Манбаларда қайд этилишича, Ер ва Жаҳон океани атмосферада ўртача ҳароратнинг кўтарилишига электростанциялар, завод қувурлари, автомобиллар ва инфлослантувчи бошқа манбалар томонидан хаво бўлишига йилига 22 млрд. тоннадан зиёд зарарли газларнинг чиқарилиши асосий сабаб бўлмоқда. Минерал ўғит, кўмирдан фойдаланиш, шунга ўхшаш манбалар ҳисобидан йилига 250 млн. тонна метан ҳосил бўлади. Энг ачинарлиси, инсоният томонидан чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетмоқда. БМТ хузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи гуруҳи ахборотларида эътироф этилганидек, XXI аср охирига бориб Ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлиши кутулаёттир.

ташвиши ҳолни бир эсга олайлик. Сўнгги 20 йил мобайнида бу ерда энг кучли сув тошқинлари юз берган. Муттасил ёққан ёмғир дарё сатҳининг 1,5 метргача кўтарилишига олиб келиши нобуд бўлганлиги манбаларда қайд этилган. Утказилган тадқиқотлар Жаҳон океанининг тепа қисмида сув ҳарорати вақти-вақти билан кўтарилиб, хаво қатламнинг пасайиб бораётганини кўрсатади. Британиялик табиатшунос олим Дэвид Беллами ана шуларга тўхталаркан, энг асосий экологик муаммо Жанубий Америкадаги тропик ўрмонлар майдонининг камайиб бораётганидир, дея таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Инсон ўз қундалиқ эҳтиёжларини қондириш учун табиатнинг «ўпкаси» саналмиш ўрмонларга шафқатсизларча муносабатда бўлмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳар йили сайёрамизда 13 млн. гектар ўрмонзор йўқолиб кетаяпти. Янги ерларни ўзлаштириш баҳонасида дов-драхтларнинг кесиб ташланаётгани ҳам Ер юзидида экологик барқарорлик, сув режимининг бузилиши ва бошқа экологик офатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

2010 йилнинг 1 мартида Исландияда юз берган табиий офат, яъни вулкон отилиши Европа худудида авиакатновларнинг оммавий бекор қилинишига олиб келгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Натижада бир ойдан ошмироқ вақт мобайнида дунё бўйлаб 63 миңдан ортиқ рейс бекор қилинган, 300 дан зиёд аэропорт ёпилиб, 7 млн.га яқин киши ўз манзилга етиб олиш имкониятидан маҳрум бўлган эди. Кўп ўтмай, Мексика кўрфазини нефть платформасидаги портлашдан сўнг «қора олтин» доғининг кен-

### VOQEALAR, SHARHLAR, DALILLAR

#### Австралия автомобилсиз қоляпти



«Toyota Motor» корпорацияси 2017 йил охирида Австралиядаги фаолияти тўхтатилишини маълум қилди. Бунгача Япониянинг ушбу компанияси мамлакатдаги энг йирик концерн бўлиб қолаётган эди. Компания вакилларининг фикрича, сўнгги йилларда автомобиль ишлаб чиқариш таннари ошган. Австралия доллари қадрсизланганлиги туфайли экспортдан тушадиган даромад ҳам пасайган. Айни пайтда компаниянинг 1959 йилда асос солинган Австралиядаги тармоғида 3,9 миң нафар киши ишлаяпти.

Ўтган йил декабрида «General Motors» ҳам 2017 йилда Австралияда автомобиль ишлаб чиқаришни тўхтатишини эълон қилган эди. Агар ана шу қарор амалга ошса, «GM»нинг 2,9 миң нафар австралиялик ходими ишсиз қолади. 2016 йилда «Ford» ҳам мамлакатдаги фаолиятини тўхтатади. «Mitsubishi» эса 2008 йилдаёқ шундай қарорга келган эди.

#### Швейцария муҳожирларни хушламайди

Швейцарияда ўтказилган умумхалқ референдумида аҳолининг 50,3 фоизи муҳожирларнинг мамлакатга киришига қарши эканлигини билдирди. Ушбу чекловни асосан қишлоқда яшовчилар ёқлашапти. Уларнинг фикрича, муҳожирлар сабаб нарх-наво кўтарилиб, бунинг устига соғлиқни сақлаш тизими ҳам зарар кўрапти. Шаҳарликлар эса бу фикр нотўғри эканлиги, миграция иқтисодий ўсишига ёрдам беришини таъкидлашаёттир. Айни шу масалада референдум ўтказиш ташаббуси билан чиққан Швейцария халқ партияси етакчилари 2013 йили саккиз миллион киши истиқомат қиладиган мамлакатда аҳоли сони муҳожирлар ҳисобига 80 миң кишига кўпайганини айтишмоқда.

#### Кашандаларнинг аҳволи танг



Хабарларга қараганда, Буюк Британия парламенти шахсий автомобилда болалар билан кетаётган кашандаларнинг чеклиниши таъқиқловчи қонунни қабул қилди. Ушбу ташаббусни соғлиқни сақлаш вазирлиги тўла маъқуллаган бўлса-да, адлия вазири Крис Грейлинг мазкур қонун ижросини назорат қилиш амалий жиҳатдан жуда мушкуллигини таъкидлаёттир. Гарчи ҳукумат вакиллари янги қонун аввало болаларнинг саломатлигини сақлаш ва ота-оналар зиммасидаги масъулиятни оширишга хизмат қилишини айтишаётган бўлса-да, кашандалар бундай йўлни шахсий дахлсизликка раҳна солиш, деб атамоқдалар. Кези келганда бу каби қонунлар АҚШнинг айрим штатлари, Австралия, Канада ва Европанинг қатор давлатларида ҳам жорий қилинганини айтиш мумкин.

#### «Google»нинг нархи қанча?

Таъкидлаш жоизки, машҳур «Google» интернет-компанияси бозор капитализацияси бўйича жаҳоннинг энг йирик корпорациялари рўйхатида иккинчи ўринга кўтарилди. АҚШ биржаларининг савдо сессиялари якунига кўра, компаниянинг бозор нархи 394 миллиард долларни ташкил этган. Бу борадаги рўйхатни 472 миллиард АҚШ долларига баҳоланган «Apple» бошқариб турибди. Таъкидлаш жоиз, ушбу нуфузли ташкилот пешқадамлики 2011 йилнинг августидан «ЕххонМобил» компаниясидан «тортиб» олган эди.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

«Инсоният янада хушёрроқ бўлганида, мислсиз ютуқларга эришган бўлар эди».

Йоганн Вольфганг Гёте.

**OzLider**

**ASR**

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

**2014 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!**

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80, E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

**Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.**

14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН



Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг? Кимки андин яхши йўқ — кўз тутма андин яхшилиг!

Бу замонни нафй қилсам айб қилма, эй рафик, Кўрмадим ҳаргиз, петайин, бу замондин яхшилиг.

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгулма, Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилиг.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиқ асру кўп, Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ёмондин яхшилиг?

Бори элга яхшилиг қилгилки, мундин яхши йўқ, Ким дегайлар «Даҳр аро қолди фалондин яхшилиг».

Яхшилиг аҳли жаҳонда истама Бобур киби Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг?

РАҚОБАТ



Ўзбек автомобиллари «Toyota»ни қувиб ўтди

2013 йил давомида ўзбекистонлик автомобилсозлар томонидан 246,6 мингта энгил автомашина ишлаб чиқарилган бўлиб, шундан 90,8 мингтаси хоризга экспорт қилинди. Аҳамиятлиси, 2012 йилда Қозоғистон автомобиль бозорини эгаллаган ишлаб чиқарувчилар рўйхатида Асака заводи Россиянинг «АвтоВАЗ» ва Япониянинг «Toyota» компанияларидан кейинги учинчи ўринни эгаллаган бўлса, 2013 йилда иккинчи ўринга кўтарилган. Хусусан, kapital.kz сайтининг хабар беришича, йил якунларига кўра, Қозоғистонда сотилган автомобиллар сони бўйича «Лада» (57 мингта) пешқадамлик мавқеини сақлаб қолган бўлса, «Daewoo» бренди остидаги «Matiz» ва «Nexia»лар (13 371 та) иккинчи ўринни эгаллаган. «Hundai» (12 250 та) ва «Toyota» (12 132 та) русумли автомобиллар эса рўйхатда учинчи ва тўртинчи поғоналарни банд этган.

БУ — ҚИЗИҚ!

70 сантиметрли кўча

Дунёдаги энг тор кўча Чехия пойтахти Прагада жойлашган бўлиб, Винарин деб номланган ушбу тротуарнинг кенлиги атиги 70 см.ни ташкил этади. Бир қарашда кичик йўлкани эслатувчи ушбу кўчанинг антиқалиги шундаки, бу ерда бир неча кичик чорраха ҳам мавжуд. Шу боис, бир вақтнинг ўзига икки киши ҳаракат қила олмайдиган кўчада светофорлар ҳам ўрнатилган. Бу эса худди автотранспортлар сингари пиёдалар қатновида ҳам турли келишмовчилик ҳамда тирбандликлар келиб чиқишининг олдини олади. Эътиборлиси, ҳар йили Прагада ушбу кўчани кўриш учун кўплаб сайёҳлар ташриф буюришади.

С.Зоир тайёрлади.



Гидрометеорология марказининг хабарига кўра, совуқ об-ҳаводан кейин кириб келган илиқ ҳаво оқими ҳафта давомида сақланиб туради. 13-20 февраль кунлари об-ҳавонинг ўзгариб туриши, туман тушиши кутиляпти. Тоғларда қор кўчиши хавфи бор. Шарқий шомолнинг йўналиши ўзгариб, ғарбдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 13-18 даража совуқ, кундузи 0+5 даража бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида кечаси 13-18 даража совуқ, кундузи -3+2 даража атрофида бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси -7-12 даража совуқ, кундузи -2+3 даража илиқни ташкил этади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси 8-13 даража совуқ, кундузи -3+2 даража илиқ бўлиши кутиляпти. Фарғона водийси вилоятларида ҳарорат кечаси -10-15, кундузи -3+2 даража илиқ бўлиши мумкин. Тоғли жойларда кечаси 15-20, кундузлари 3-8 даража совуқ бўлади.

БИР ҲОВУЧ ДУР

«Ўн олти ёшдан йигирма беш ёшгача. Одатда ҳаётимизнинг айнан ана шу даврида тақдиримиз ҳал этилади».

Стендаль.

ИННОВАЦИЯ

«Европа»да ёзда ҳам қор ёғади

Дубай (БАА) шаҳри қирғоғи яқинида жойлашган The World «Олам» номи сунъий архипелагда иқлимни назорат қилувчи ўзига хос тизим қўлланиладиган бўлди. Таъкидлаш жоиз: жами 55 квадрат километрга тенг худудни эгаллаган, 300 та оролдан иборат бу архипелаг Ер харитаси кўринишида бўлиб, ушбу «митти олам»нинг ўз қитъачалари ҳам бор. Маълумотларга кўра, «Европа юраги» номи остида бирлаштирилган «Германия», «Австрия», «Швейцария», «Нидерландия», «Швеция» ва «Санкт-Петербург» номи олтига оролда қурилиш ишларини олиб бораётган компания мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш давомида инновацион технологиялардан фойдаланиб, Қўҳна қитъага хос об-ҳаво муҳитини яратишга киришди. Компания мутасаддиларнинг таъкидлашича, ушбу тизим ороллардаги Европа усулида қурилган шаҳарларга мамлакатнинг бошқа худудларида жазирама ҳукм сурган пайтда ёмғир ва қор ёғдириш имконини ҳам беради.



Истомин 24 поғона юқорилади

Ўзбекистоннинг биринчи ракеткаси Денис Истомин ўтган ҳафта Франциянинг Монпелье шаҳрида ўтказилган «ATP Open Sud de France» турнирининг жуптлик баҳслари бош соврини соҳиби бўлди

Шухрат Хўжаев, «XXI asr»

Профессионал теннисчилар ассоциацияси — АТРнинг жуптликлар рейтингда 24 поғона юқорилашга эришди. Бу эса шу ҳафтада эълон қилинган рейтингдаги энг яхши ўсишдир. Монпельеда ўз ҳисобига 250 очко эъган Истомин айни пайтда ушбу рейтингнинг 67-поғона

синини банд этиб турибди. Таъкидлаб ўттиш лозим: шу тариха ҳамюртимиз АТР таснифида кўлга киритилган совринларини иккитага етказди. Бинобарин, ўтган йили теннисчимиз россиялик Михаил Елгин билан бирга «Кремль кубоги-2013» мусобақасининг

жуптлик баҳсларида ҳам зафар кучган эди. Ўз навбатида фаолияти давомида яққалик баҳсларида ҳам бир қатор ютуқларни кўлга киритган Д.Истомин айни пайтда ушбу йўналишда дунёнинг 41-ракеткаси бўлиб турибди.

ФУТБОЛ

Темурхўжа «Хайдук»да

Тошкентнинг «Пахтакор» футбол клуби ҳужумчиси Темурхўжа Абдуҳолиқов Хорватиянинг «Хайдук» жамоасида тўп сурайдиган бўлди

Маълумотларга кўра, «Хайдук»нинг Туркиядаги йиғинида иштирок этган 22 ёшли футболчимиз Грузиянинг «Динамо» (Тбилиси) жамоасига қарши ўтказилган назорат ўйинида ўзини кўрсатиб, мураббийлар эътиборини қозонди. Шу тариха клуб раҳбарияти ўзбекистонлик футболчи билан шартнома имзолашга қарор қилди. Шплит шаҳри шарафини ҳимоя қилувчи клуб расмий сайти маълумотларига кўра, айни пайтда виза билан боғлиқ масалаларни ҳал қилаётган ҳужумчи янги жамоасида 15-рақам остида ўйнайди. Шу ўринда «Хайдук» Хорватиянинг энг номдор футбол клубларидан бири экани, 1911 йилда ташкил этилган жамоа шу кунгача миллий чемпионатда олти бора, шунингдек, Хорватия Кубоги ва Суперкубоги баҳсларида беш марта голиб бўлганини айтиш мумкин.

ЭЪЛОН

ASAKA BANK advertisement with logo, title «АСАКА» БАНК (ОАЖ), and various financial services listed in columns.